

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УДК: 330.101.541:330.35(575.1)**


**ХАЙИТОВ САИДЖОН БАХТИЁР ЎҒЛИ**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ  
ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК  
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»**

**08.00.02-«Макроиқтисодиёт»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. М.Т. Асқарова**



**Тошкент – 2022**

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
<b>I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ БИЛАН ХУСУСИЙ СЕКТОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....</b>	<b>12</b>
1.1. Давлат билан хусусий шериклик муносабатларининг мазмун-моҳияти ва уни ривожлантиришн тамойиллари .....	12
1.2. Давлат-хусусий шерикчиликнинг институционал ва қонунчилик асосларини такомиллаштириш .....	24
1.3 Давлат хусусий шерикни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари ва шакллари таҳлили.....	36
1-боб бўйича хулоса .....	54
<b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>56</b>
2.1. Давлат-хусусий шерикчиликнинг инфратузилма объектлари лойиҳаларини молиявий-иқтисодий таҳлили.....	56
2.2. Давлат билан хусусий шериклик лойиҳаларининг таркиби ва уларни ижтимоий-иқтисодий баҳолаш .....	76
2.3. Давлат-хусусий шериклик самарадорлиги ва уни Ўзбекистонда жорий этиш имкониятлари .....	88
2-боб бўйича хулоса.....	99
<b>III БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКМЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....</b>	<b>101</b>
3.1. Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ ва соҳаларида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш йўналишлари.....	101
3.2. Давлат-хусусий шерикчилик лойиҳаларига инвестициялар киритишни молиялаштириш воситаларини такомиллаштириш.....	120
3.3. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳалари концепцияларини асослаш ва жорий этиш.....	130
3-боб бўйича хулоса .....	136
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР .....</b>	<b>138</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>141</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги:** Бюджет чекловлари, давлат қарзларининг мавжудлиги ва зарурий маблағларнинг етишмаслиги, аксарият ҳолларда кам даромадли мамлакатларда ва ривожланаётган мамлакатларда инфратузилма эҳтиёжларини молиялаштириш учун муқобил усулларни излашга интилиш бу табиий ҳолдир. Бундай муқобил молиялаштириш манбаи сифатида сўнги йилларда Ўзбекистонда инфратузилмага киритилаётган инвестиция билан боғлиқ фаолиятни қўллаб-қувватлаш механизми сифатида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) модели тобора оммалашиб бормоқда. Хусусий хўжалик юритувчи корхоналарда иқтисодий ва сиёсий таваккалчилик даражаси юқори бўлган ҳолатда давлат ва хусусий шериклар учун лойиҳада иштирок этиш қарорини ижобий қабул қилинмаслиги мумкин. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда кўп ҳолларда ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш муҳим омил сифатида қаралади. Шунга қарамай, ДХШ лойиҳаларининг мамлакатни иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти тўлиқ ўрганилмаган бўлиб қолмоқда.

Шуни эътиборга олганда, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини янги босқичга олиб чиқиш вазифаси кўндаланг турган масала ҳисобланади. Ҳукуматимиз мамлакатнинг ушбу соҳадаги иқтисодий салоҳиятини янада ошириш учун мавжуд барча омиллардан кенг фойдаланмоқда. Бунинг учун Ўзбекистон иқтисодиётида давлат билан хусусий секторни янада ривожлантириш бўйича зарурий чора-тадбирлар жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Ушбу тадқиқотда мамлакатнинг иқтисодий ўсишига таъсир этувчи инвестицион омил сифатида ДХШ муносабатлари механизмини такомиллаштириш ва унинг миллий иқтисодиётимиз ривожига таъсирини ошириш тадқиқ этилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони билан тасдиқланган «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» мураккаб жараёнларни ва